



КИПЧОКЛАР (рус манбаларида — половецлар, Византия манбаларида — куманлар) — туркий халкларнинг энг йирик кабилаларидан бири; ўзбек халки этник таркибидаги асосий компонентлардан бири. Кипчоклар нафакат ўзбек халки энтогенезида, балки катор бошқа туркий халклар — козоклар, киргизлар, коракалпоклар, туркманлар, татарлар, бошқирдлар, олтойликлар ва Шим.

Кавказдаги айрим халклар (нўгойлар, кўмиклар, корачойлар ва б.) шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Кипчокларга хос этник белгилар усмонли турклар, венгерлар ва б. катор халклар таркибида ҳам мавжуд. к. мил. ав. 3-а. — мил. 4-а. да Шим.-Гарбий Олтойда яшаганлар. Кипчокларнинг илк аجدодларидан бир қисми 6-а. да Гарбий Олтойдан чиқиб, хоз. Мўғулистон ва Тува ерларига келиб ўрнашадилар. 2-қисми эса Иртиш дарёси яқинидаги даштларга кўчиб ўтиб, кимакларга тобе бўлган. 8—12-а. ларга келиб Кипчоклар Дашти Кипчок чўлларида яшаган пайтларида уларнинг таркибига тил жихатдан қариндош бўлган кўплаб этник гуруҳлар келиб қўшилган. 8—9-а. ларда Ўрта Осиё ва Козогистоннинг сиёсий ва этник харитасида жиддий ўзгаришлар юз берган. 10-а. нинг охири — 11-а. бошларида гарбий кипчоклар, кимаклар Марказий ва Гарбий Козогистон ҳудудидаги бошқа кабилаларни ҳамда Уралбўйи ва Волганинг ўрта оқимидаги туркийлашган угор-фин кабилаларини ҳам ўзларининг таркибига қиритганлар. Шундай қилиб, гарбий кипчоклар 11-а. да Урал ва Волганинг ўрта оқимида яшовчи йирик этносиёсий уюшмага айланди. 13 —14-а. ларда Дашти Кипчокдан кўплаб кипчок қабила ва уруғларининг кўчиб кетишларига қарамай кипчокларнинг асосий қисми бу ерда қолиб, Олтин Ўрда аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган. Улар маданий тараққиёти даражасига кўра ўзларининг ҳукмдорлари ҳисобланган мўғуллардан юқори даражада бўлган. Олтин Ўрда хонларининг бошқарув тизимида кипчок-ўғуз лаҳжасига асосланган адабий тил етакчи мавкени эгаллар эди.

15-а. нинг 1-ярми—16-а. да кўплаб туркий халқлар сингари гарбий кипчокларнинг асосий қисми нўғайлар уюшмаси таркибига кирган.

Кипчокларнинг Мовароуннахр маданий минтакаларига ялпи кўчиб келиши Шайбонийхон даврида 16-а. да ва кейинчалик 17-а. да аштархонийлар даврида юз берган. Шунингдек, Кипчоклар 16-а. нинг 2-ярми — 18-а. нинг бошларида, жунгарларнинг Козогистоннинг жан. худудларига бостириб кириши жараёнида ҳам Зарафшон воҳаси ва Фаргона водийсига кўчиб келганлар. Қорақалпоқлар, қозоқлар билан бирга Кипчокларнинг Ўрта Осиё худудларига кириб келиши 2 йўналишда бўлиб, уларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент воҳаси ва Мирзачўл зоналарида жойлашган.

Кипчокларнинг иккинчи қисми эса Ўрта Зарафшон бўйлаб кетган. 18-а. нинг 20—30-й. ларида К. Шим. Фаргонанинг тоғ олди минтакаларига келиб ўрнашганлар. Факатгина маълум миқдордаги Кипчоклар гина Тошкент воҳасида қолган. Бу даврда қ. 4 та асосий гуруҳга: қора кипчок, сарик кипчок, хитой кипчок ва қулон кипчокларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, майда гуруҳларга бўлинган. Кипчокларнинг айрим гуруҳлари 20-а. бошларигача ўзларининг уруғ-қабилавий бўлинишларини сақлаб қолганлар.

Қ 20-а. бошларига қадар ярим ўтрок ҳолда яшаб, ўзлари учун анъанавий бўлган чорвачиликни дехқончилик билан қўшиб олиб борганлар.

Статистик материаллардан Кипчокларнинг ўзбек ва қирғизлар билан қўшилиб кетиши 19-а. охири — 20-а. бошларида анча жадал кечганлиги маълум. Мас, агар 19-а. нинг 90-й. ларида Фаргона водийсидаги Кипчоклар сони 70 минг нафарга, 1917 й. га келиб, 44 минг нафарга тенг бўлса, 1926 й. га келиб эса уларнинг водийдаги сони 33,6 минг нафарга тушиб қолган.

Фаргона Кипчоклар ининг асосий қисми Андижон уездига, Андижонсой, Норин дарёсининг қуйи қисми, Мойлисув ва Қорадарё атрофидаги қишлоқларда яшаган. Уларнинг маълум қисми Наманган уезди Қосонсой, Сумсар, Чодак, Подшо-Ота, Норин, Гова қаби дарё ва сой қавзаларида ҳамда Янгиарик канали атрофидаги манзилгоҳларда жойлашган. Фаргона уезди худудидаги Шахонсой ва Аравонсой, Қўқон уездигаги Сўх ва Исфара дарёси ўзанларида ҳам бир неча кипчок қишлоқлари мавжуд бўлган.

19—20-а. бошларида водий худудида яшаётган К. К. Ш. Шониёзовнинг фикрича, 4 та қатта гуруҳга бўлинган. Булар — қ. (ёки тоза кипчоклар), қирғизкипчоклар, хитой-кипчоклар ва сартиқипчоклар. Ўз навбатида, юқорида саниаб ўтилган кипчок гуруҳлари бир қанча уруғларга бўлинганлар. Қўғай, бугоч, қумушой, ўлмас, яшиқ, жайдоқ, қучғой, элатан, бўғоз, огим, тоз, сирмоқ, еттиқашка, қутлуксаид, черек, қўқмўйин, тўртайгир (ёки 4 оғайни), тўрттой, товулди, қангроқчи, қиял, қўлон, оқбўйра, қорақовур, бошқирт, тикан, қоратикан, сари-кипчок, қорамоюн қаби уруғлари Фаргона водийсида қайд этилган.

Кипчокларнинг қўпчилиги аста-секин ўтроклашиб, дехқончилик б-п шугулланган. Айрим гуруҳлари 20-а. бошларигача ярим ўтрок ҳолда яшаб, дехқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлганлар. 20-а. нинг 1-чорагида Ўзбекистон чегарасида яшовчи Кипчокларнинг

Кипчоклар

Муаллиф:

30.09.2023 14:54 -

умумий сони 127 минг киши бўлиб, шундан 52 минг киши Зарафшон водийсида, 42,2 минг киши Фаргона водийсида яшаган. Тошкент, Кашкадарё, Сурхондарё ва Хоразм вохаларида ҳам Кипчокларнинг айрим гурухлари бўлган.

Ад.: Шониёзов К., Ўзбек халкининг шаклланиш жарасни, Т., 2001; Шаниязов К., Кэтнической истории узбекского народа Т., 1974.

Адхамжон Аширов.